



Kattaqo'rg'on tumani, Kadan qo'rg'on
Mustaqillik ko'chasi, 33-uy

33, Mustaqillik street, Kadan township,
Kattakurgan district

(Upgrade to Pro Version to Remove the Watermark)

Тел: (0-366) 414-31-19,

e-mail: i.kattaqurgon@sud.uz

Ўзбекистон Республикаси Номидан
Халқаро Қарори

2023 йил 27 февраль

Каттақўрғон тумани

4-1402-2302/368-сонли иш

Каттақўрғон туманлараро иқтисодий судининг судьяси М.Тоғаев раислигида, судья ёрдамчиси Ж.Сағдуллаевнинг суд мажлиси котиблигида аризачи [REDACTED]нинг жавобгар "[REDACTED]" фермер хўжалигига нисбатан банк ҳисоб-варағи бўйича операцияларини тўхтатиш тўғрисидаги аризаси асосида кўзғатилган иқтисодий ишни, Каттақўрғон туманлараро иқтисодий суди, биносида очиқ суд мажлиси муҳокамасида, кўриб чиқиб, суд қуйидагиларни,-

АНИҚЛАДИ:

Аризачи [REDACTED] Каттақўрғон туманлараро иқтисодий судига жавобгар "[REDACTED]" фермер хўжалигига нисбатан ариза билан мурожаат қилиб, ариза талабида жавобгар томонидан солиқ ҳисоботини белгиланган муддатда солиқ органига тақдим этмагани боис, суддан жавобгарнинг хизмат кўрсатувчи тижорат банкидаги ҳисоб-варағи бўйича банк операцияларини тўхтатишни сўраган.

Тегишли тартибда хабардор қилинган аризачи ва жавобгар суд мажлисига вакил иштирокини таъминламади. Суд ишни Ўзбекистон Республикаси ИПКнинг 220-моддасига асосан, аризачи ва жавобгар иштирокисиз мавжуд ҳужжатлар асосида кўриб чиқишни лозим деб топди.

Суд, ишдаги ҳужжатларга ҳуқуқий баҳо берган ҳолда қуйидагиларга кўра аризани қаноатлантиришни лозим топди.

Иш ҳужжатларидан аниқланишича, жавобгар "[REDACTED]" фермер хўжалиги томонидан солиқ ҳисоботини белгиланган муддатда солиқ органига тақдим этмаган.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 82-моддасида, солиқ ҳисоботи солиқ тўловчи ҳисобга олинган жойдаги солиқ органига белгиланган шаклда электрон ёки қоғоз шаклида солиқ ҳисоботида илова қилиниши лозим бўлган ҳужжатлар билан бирга тақдим этилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексида назарда тутилган муддатларда солиқ ҳисоботини тақдим этиш ва жавобгарнинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисида жавобгарнинг шахсий кабинетига электрон шаклда хабарнома юборилган.

Бироқ, жавобгар томонидан солиқ ҳисоботини 2023 йил 27 февраль кунига қадар [REDACTED]га тақдим этмаган.

Аризачи [REDACTED]нинг қарорига асосан жавобгарнинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операциялари Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 111-моддаси 3-қисми, 1-бандига асосан 10 кундан кўп бўлмаган муддатга тўхтатилган.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 111-моддаси 1-қисмига асосан, солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг раҳбари (раҳбар



ўринбосари) томонидан ўн кундан кўп бўлмаган муддатга қабул қилиниши мумкин. Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг илтимосномасига асосан суд томонидан қабул қилиниши мумкин. Бунда солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банк ҳисобварақлари бўйича операциялари суд томонидан қарор қабул қилингунга қадар тўхтатиб турилади.

Ушбу Кодекснинг 3-қисмига асосан, солиқ тўловчи (солиқ агенти) томонидан солиқ органининг камерал солиқ тўловчи қилиши натижалари бўйича талабномасига тушунтиришлар ва (ёки) тузатишларни қилган муддатда тақдим этилмаганда, шунингдек солиқ тўловчи томонидан қилинган талаб қилган ҳужжатлар тақдим этилмаганда, юридик шахслар ва шайхона тартибдаги тадбиркорларнинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш солиқ органи томонидан мазкур солиқ тўловчиларнинг (солиқ агентларининг) солиқ мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш учун амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси ИПКнинг 217-моддасига асосан банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш, ҳуқуқий таъсир чораларига киради.

Ўзбекистон Республикасининг 07.01.2020 йилдаги “Давлат божи тўғрисида”ги Қонуннинг 9-моддаси 17-бандида, аризачи ва жавобгар - ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар бўйича давлат божи тўловидан озод қилинган.

Бундай ҳолатда, суд иш ҳужжатларини текшириб чиқиб, даъво аризасини қаноатлантиришни, жавобгар "██████████" фермер хўжалигининг банклардаги асосий ва унга очилган иккиламчи ҳисобварақлари бўйича банк операцияларини бюджет тўловлари ва иш ҳақидан ташқари бошқа чиқим ҳаракати жавобгар томонидан камчиликларни бартараф этганлиги тўғрисидаги маълумотни ██████████ ██████████ га тақдим этгунига қадар тўхтатишни лозим деб топди.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 82, 111, 273-моддаси ва Иқтисодий процессуал кодексининг 113, 176-180, 186-моддаларига асосланиб, суд

Қ А Р О Р К И Л Д И :

Аризачи ██████████ нинг, жавобгар "██████████" фермер хўжалигига нисбатан берган аризаси қаноатлантирилсин.

Жавобгар "██████████" фермер хўжалигининг банкдаги асосий ва барча ҳисоб-рақамлари ҳаракатини бюджет тўловлари ва иш ҳақидан ташқари бошқа чиқим ҳаракати жавобгар "██████████" фермер хўжалиги томонидан камчиликларни бартараф этганлиги тўғрисидаги маълумотни ██████████ ██████████ га тақдим этгунига қадар тўхтатилсин.

Жавобгар "██████████" фермер хўжалигига хизмат кўрсатувчи барча банклар ҳисоб-рақамлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйишга сабаб бўлган ҳолатлар жавобгар томонидан тўлиқ бартараф этилганидан сўнг, давлат солиқ хизмати органи томонидан тақдим этиладиган ёзма кўрсатмаси (қарори) асосида ҳисобварақлар бўйича операциялар тиклансин.

Ҳал қилув қароридан норози бўлган тарафлар ўн кунлик муддатда Самарқанд вилоят судига апелляция тартибида Каттакўрғон туманлараро иқтисодий суди орқали шикоят беришга (протест келтиришга) ҳақли.

Судья

М.Тоғаев

